# Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салавот айтиш

Image not found or type unknown



09:21 / 28.09.2023    2955

Аллоҳ таоло Аҳзоб сурасининг 56-оятида:

**إِنَّ اللَّهَ وَمَلَائِكَتَهُ يُصَلُّونَ عَلَى النَّبِيِّ يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا صَلُّوا عَلَيْهِ وَسَلِّمُوا تَسْلِيمًا**

**«Албатта, Аллоҳ ва Унинг фариштлари пайғамбарга салавот айтурлар. Эй иймон келтирганлар, сизлар ҳам у зотга салавот ва салом айтинглар!»** дейди.

Набий алайҳиссаломга Қиёматда кимлар яқин бўлади
Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

**«Қиёмат куни менга энг яқин бўладиган кишилар менга кўп саловот айтадиганлардир»,** дедилар.

*Имом Термизий ривоятлари.*